

Ybraýum bek

Category: Kitapcy, Taryhy şahslar
написано kitapcy | 23 января, 2025
Ybraýum bek Иброҳимбек (1889-1932)

«Зудлик билан юртимиздан даф бўлингиз – тўрт тарафингиз қибла! Талофатсиз чиқиб кетишларинг учун имкон яратиб бераман. Бундан ташқари отларингизни ем-ҳашак билан таъминлайман. Фақат тезроқ қорангиз ўчса бас!»

Иброҳимбек ўз аскарлари билан Душанба шаҳрини қамал қилиб, шаҳар ҳарбий қисмининг бошлиғига ўринсиз қон тўкилишига йўл қўймаслик учун 1921 йил 20 декабрда юборган талабномасидан (Марксизм-ленинизм институтининг Марказий фирмә ҳужжатгоҳи, 122-жамғарма, 1-сон рўйхат, 257-жилд, 115-бет).

* * *

Иброҳимбек, Иброҳимбек лақай, Мулла Муҳаммад Иброҳимбек Чақабой тўқсабо ўғли (1889, Душанба атрофидаги Кўктош қишлоғи – 1932.31.8, Тошкент) – Шўро хукуматига қарши кураш ҳаракати раҳбарларидан бири.

Иброҳимбек маҳаллий мадрасада сабоқ олган. 1919 йилда Ҳисор begi ҳузурида қилган хизматлари эвазига қоровулбеги, кейинчалик Бухоро амири томонидан девонбеги, тўпчибоши ва лашкарбоши лавозимларига кўтарилган. Собиқ амир Олимхон 1921 йил бошларида Иброҳимбекни бутун қўшинларига қўмондон қилиб тайинлаган. Бухоро қўрбошиларининг қурултойида (1921.17.09) Иброҳимбекка «Ислом лашкарбошиси» деган унвон берилган. У қисқа муддат ичida 10000 нафардан ортиқ аскар тўплаб, Кўлоб, Балжувион, Қоратегин, Дарвоз, Ҳисор вилоятларини қизил қўшиндан тозалаган.

1922 йил Душанбе шаҳрини босқинчилардан озод этишда қатнашган. 1923 йил баҳорда Иброҳимбек қўл остида фақат Шарқий Бухорода 47 та қўрбоши дасталари ҳаракат қиласар, аскарларининг сони

Ҳисорнинг ўзида 20000 киши эди. 1923 йил ёзида у Ҳисор водийси ва Панж дарёси атрофида қатор муваффақиятли ҳарбий ҳаракатларни ўтказди. 1925 йил январда Иброҳимбек Сурхон воҳасида, Шеробод – Бойсун атрофларида шўро қўшинларига қарши муваффақиятли кураш олиб борган.

Ўрта Осиё республикалари тузилгач, Иброҳимбек Тожикистон ва Ўзбекистоннинг, асосан, тоғлиқ вилоятларида курашни давом эттирган. 1926 йил 21 июнда кескин жанглардан сўнг Афғонистон ҳудудига ўтиб кетган. Иброҳимбек 1926 – 29 йилларда Кобул яқинидаги Қалъаи Фотуда – собиқ амир Саид Олимхоннинг қароргоҳида яшаган. Иброҳимбек бошчилигидаги муҳожирлар Афғонистондаги сиёсий курашга, ҳарбий можароларга қатнашишга мажбур бўлишган (1928–29). 1928 йилнинг охирларида Иброҳимбек Кобулдан Шимолий Афғонистонга келиб, ўз мавқеини мустаҳкамлади.

1929 йил 15 апрель – 31 майда совет қўшинлари Афғонистонга бостириб кирди. Совет қўшинлари 19 апрель Мозори Шарифни, 22 апрелда Тошкўрғон шаҳарларини босиб олишди.

1930 йил 24–25 майда қўрбошилар қурултойи чақирилиб, бўлғуси жанг ҳаракатлари ва чегаранинг турли нуқталаридан Тожикистон ССР ҳудудига ўтиш масалалари келишиб олинди. Иброҳимбек СССРга қарши ялпи ҳужум муддати қилиб 3 июль кунини белгилади. Бироқ жосуслар орқали бу режадан воқиф бўлган совет режими раҳбарлари зудлик билан қарши зарба уюштирдилар. 1930 йил 20 июнда 2-марта Афғонистонга бостириб киришди. Бир ҳафта давом этган жангларда Иброҳимбекнинг 839 жангчиси, шунингдек, кўплаб тинч аҳоли вакиллари ўлдирилди. Кучлар тенг бўлмаган жангда Иброҳимбек мағлубиятга учраб, ўзининг яқин сафдоши Ўтанбек қўрбоши ва ҳарбий кучлари билан Қора Ботир тоғларига чекинди.

Иброҳимбек 1931 йил 23 июнда чекистлар томонидан қўлга олиниб, Тошкентга олиб келинган

1931 йил бошларига келганда Иброҳимбек ўз ҳаракатини фаоллаштириб, муҳожирларнинг тарқоқ кучларини яна бирлаштириди.

Иброҳимбек 1500 кишилик сараланган қўшини ва 8 та қўрбошиси билан 1931 йил 30 мартда Тоҷикистон Республикаси ҳудудига кирган. Иброҳимбек қўшини билан шўро аскарлари ўртасида апрель–июнь ойларида шиддатли жанглар бўлган. 12 июнда 0қбош тоғидаги сўнгги жангда Иброҳимбек яраланиб, мағлубиятга учраган. 1931 йил 23 июнда чекистлар томонидан қўлга олиниб, Тошкентга олиб келинган. 1932 йил март ойида Иброҳимбек суд қилиниб, 31 августда қатл қилинган.

Қаҳрамон Ражабов.

Адабиётлар:

- Насриддин Назаров. Муҳаммад Иброҳимбек Лақай. Тошкент, 2006.
- Сайид Таваккалхон. Муҳаммад Иброҳимбек. Ҳужжатли қисса. Душанбе, 2009.
- Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг ҳасрати тарихи. Тошкент, 1991.
- Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб, [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида]. Тошкент, 2000.
- Туркестан в начале XX века: К истории истоков национальной независимости. Ташкент, 2000.
- Ўзбегим. Тошкент, 1992.
- Ражабов Қ. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш. Тошкент, 2002. Taryhy şahslar